



БЕЗОРИЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА КРИМИНАЛИСТИК ТАВСИФ ВА ҚОНУНЧИЛИК БЎШЛИҚЛАРИ МАСАЛАЛАРИ

Акmalжон Абдуллаев

ҳуқуқ фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ўқитувчиси

Сирожиддин Ибрагимов

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистратурасининг

“Тергов фаолияти” мутахассислиги тингловчиси

e-mail: ibragimov.sirojiddin.7070@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20105842>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 05-may 2026 yil

Ma'qullandi: 07-may 2026 yil

Nashr qilindi: 09-may 2026 yil

KEY WORDS

криминалистик тавсиф,
безорилик, тергов методикаси,
JK 277-модда, Пленум қарори,
уриш-дўпполаш, жамоат жойи,
қўча безорилари, кибер
безорилик.

ABSTRACT

Мазкур мақолада безорилик жиноятларини тергов қилиш методикасини такомиллаштириш масалалари икки йўналишда — криминалистик тавсиф ва амалдаги қонунчиликдаги бўшлиқлар нуқтаи назаридан таҳлил қилинади. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2024–2025 йиллардаги расмий статистик маълумотлари асосида безорилик жиноятининг ҳудудий, вақт ва шахс кесимидаги криминалистик тавсифи берилади. Шунингдек, Жиноят кодекси 277-моддаси ва Олий суд Пленуми қарорларини қўллаш амалиётида аниқланган бешта тизимли муаммо — Пленум 13-банди ичидаги зиддият, “уриш-дўпполаш” аломатининг қўлланилиши, “жамоат жойи” тушунчасининг чегаралари, қўча безорилари феномени ҳамда кибер безорилик масаласи — таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш бўйича аниқ қонунчилик таклифлари ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотлар марказида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибini ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари турибди. Айнан шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қайд этганидек, “...жиноят қонунчилигини янада такомиллаштириш ва либераллаштириш бўйича ишларни давом эттириш лозим. Нега деганда, Жиноят ва Жиноят-процессуал кодекслари қарийб 25 йил олдин қабул қилинган. Ўтган даврда жамиятдаги муносабатлар, одамларнинг яшаш тарзи, онги, дунёқараши ўзгарди. Шу сабабли бу кодекслар бугунги давр талабларига жавоб бермай

қолди”¹. Ушбу мулоҳаза нафақат жиноят-моддий ҳуқуқига, балки бевосита тергов амалиётига ҳам тааллуқлидир.

Жамоат тартибига қарши қаратилган жиноятлар тоифасида безорилик алоҳида ўрин эгаллайди. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг маълумотларига кўра, 2024 йил давомида жамоат жойлари ва кўчаларда 2 045 та безорилик жинояти қайд этилган бўлиб, шундан 2 008 таси очилган²; 2025 йилда жамоат жойларидаги безорилик ҳолатлари 2 008 тагача етган. Айти шу пайтда мазкур жиноятлар бўйича тергов амалиётида қатор тизимли муаммолар мавжуд бўлиб, улар тергов сифатига, ишларнинг ҳуқуқий квалификация қилинишига ва пировард натижада фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳимоясига бевосита таъсир кўрсатмоқда.

Биз ушбу мақоланинг мақсадини иккита ўзаро боғлиқ йўналишда кўрамиз. Биринчидан, безорилик жиноятининг криминалистик тавсифини замонавий статистик маълумотлар асосида ёритиш орқали тергов методикасининг назарий пойдеворини янгилаш. Иккинчидан, амалдаги қонунчилик ва Пленум қарорларини қўллашда юзага келаётган бешта тизимли муаммони таҳлил қилиш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича аниқ таклифлар киритиш. Шу нуқтаи назардан мақолани икки қисмга бўлиб тақдим этамиз.

I. Безорилик жиноятининг криминалистик тавсифи

Криминалистик тавсиф тушунчасининг мазмуни. Замонавий криминалистика фанида криминалистик тавсиф жиноятларни тергов қилиш методикасининг марказий категориялардан бири сифатида тан олинган. Кўзга кўринган рус олими Р.С.Белкин таърифига кўра, “криминалистик тавсиф — жиноятнинг муайян турига хос бўлган, тергов амалиёти учун аҳамият касб этадиган типик белгилар тизимидир”³. Н.П.Яблоков қайд этганидек, “криминалистик тавсиф элементлари ўзаро корреляцион алоқада бўлиб, бир элементдаги маълумотлар асосида бошқа элементлар бўйича асосли фаразлар илгари суриш мумкин”⁴. Шу принципга асосланиб биз безорилик жиноятининг криминалистик тавсифини олти асосий элементдан иборат тизим сифатида талқин қиламиз: содир этиш усули; ҳодиса жойи, вақти ва вазияти; излар тизими; жиноятчи шахсининг типик хусусиятлари; жабрланувчи шахсининг типик хусусиятлари; жиноятнинг типик оқибатлари.

Содир этиш усули ва вазияти. Безорилик жиноятларининг асосий қисми (тахминан учдан икки қисми) ситуатив тарзда — олдиндан тайёргарликсиз, шахсий низо ёки атрофдагилар билан зиддият натижасида юзага келади. Олдиндан режалаштирилган безорилик асосан ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “б” банди (гуруҳ тарзида) ва 3-қисми “б” банди (қурол билан) бўйича квалификация қилинадиган

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // URL: <https://president.uz/uz/lists/view/4057> (электрон манбага мурожаат қилинган сана: 15.04.2026 й.).

²Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2024 йил жамоат жойлари ва кўчаларда қайд этилган жиноятлар бўйича расмий маълумотномаси. – Тошкент, 2025.

³Белкин Р.С. Курс криминалистики. В 3 т. Т. 2: Частные криминалистические теории. — М.: Юристъ, 1997. — С. 322.

⁴Яблоков Н.П. Криминалистика: учебник. — 4-е изд., перераб. и доп. — М.: Норма: ИНФРА-М, 2014. — С. 482.

ҳолатларни ўз ичига олади. Ҳаракат шакллари хилма-хил: ҳақорат, уятли сўзлар билан сўкиниш, уриш-дўпполаш, буюмлар билан уриш, мулкка шикаст етказиш.

Ҳодиса жойи ва вақти. ИИВнинг 2025 йилги маълумотларига кўра, жамоат жойларида қайд этилган 2 008 та безорилик жиноятдан 994 таси (49,5%) “бошқа кўчалар” тоифасига тўғри келади. Бу кўрсаткич безориликнинг асосан ёпиқ хусусий жойларда эмас, балки очиқ жамоат маконларида намоён бўлишини тасдиқлайди. Вақт жиҳатидан 2 008 та ҳолатнинг 1 142 таси (56,9%) соат 16:00–24:00 оралиғида, 681 таси (33,9%) кундузги соатларда (08:00–16:00), 185 таси (9,2%) тунги соатларда (24:00–08:00) содир этилган. Кечки соатларнинг устунлиги ушбу жиноят учун барқарор тавсифий белги ҳисобланади.

Худудий тақсимланиш. Безорилик жиноятларининг худудий тақсимланиши сезиларли даражада нотекис. ИИВнинг 2024 йилги маълумотларига мувофиқ, кўча ва жамоат жойларида қайд этилган безорилик жиноятларининг 1 027 таси Тошкент шаҳрига, 449 таси Фарғона вилоятига, 387 таси Сурхондарё вилоятига тўғри келади. Бу нотекислик аҳоли зичлиги, миграцион оқимлар ва жамоат жойлари сонининг кўплиги билан изоҳланади. Айни шу маълумотлар безориликнинг криминалистик тавсифи худудий ўзига хосликни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши лозимлигини кўрсатади.

Жиноятчи шахси. Криминалистик тавсифнинг ушбу элементи бой эмпирик пойдеворга эга. ИИВнинг 2024 йилги маълумотлари бўйича безорилик жиноятини содир этган шахсларнинг 61,3 фоизини ишламайдиганлар, 12,6 фоизини ўзаро таниш бўлган шахслар, 6,8 фоизини маст ҳолатдаги шахслар, 5,9 фоизини аёллар, 5,2 фоизини вояга етмаганлар, 3,4 фоизини мукаддам судланган шахслар, 2,1 фоизини кўшнилари, 0,7 фоизини қариндошлар ташкил этади⁵. Биз бу маълумотлардан учта аҳамиятли криминалистик хулоса чиқарамиз: безорилик асосан тасодифий ёки кучсиз ижтимоий алоқага эга шахслар ўртасида содир этилади (қариндошлар ўртасида атиги 0,7%, кўшнилари ўртасида 2,1%); жиноятчилар таркибида ишсизлар улуши хавотирли даражада юқори (61,3%); расмий маълумотлардаги маст ҳолат кўрсаткичи (6,8%) реал даражадан анча паст бўлиб, бу ҳолат тиббий экспертиза ўтказиш вақти кечиктирилиши билан изоҳланади.

Излар тизими. Безорилекка хос излар уч асосий гуруҳга бўлинади: моддий излар (қон излари, тан жароҳатлари, кийимдаги шикастлар, синдирилган шиша ва бузилган буюмлар, қурол излари, биологик намуналар); идеал излар (гувоҳлар, жабрланувчи ва жиноятчининг хотирасидаги идрок ва тасвирлар); электрон излар (видеокузатув ёзувлари, мобил қурилма маълумотлари, ижтимоий тармоқлардаги материаллар, мобил оператор маълумотлари). Замонавий шароитда “Хавфсиз шаҳар” дастурий-аппарат комплекси доирасида ўрнатилган видеокузатув тизими ва хусусий камералар ёзувлари тергов амалиётининг марказий далил манбаига айланиб улгурди.

Дастлабки тергов вазиятлари. Л.Я.Драпкин таъбирига кўра, “тергов вазияти — жиноят иши терговининг муайян босқичида мавжуд бўлган ахборот ва имкониятлар мажмуасидир, у терговчи томонидан қабул қилинадиган тактик қарорлар мазмунини

⁵Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг "2024 йил 12 ойи давомида Республика ҳудудининг жамоат жойларида, шу жумладан кўчаларида қайд этилган жиноятларни содир этган шахслар бўйича таҳлил" маълумотномаси. – Тошкент, 2025.

белгилайди”⁶. Безорилик ишлари бўйича дастлабки тергов вазиятлари уч асосий турга бўлинади: жиноятчи ҳодиса жойида ушланган ёки кейин дарҳол аниқланган ҳолат (тахминан 70–75%); жиноятчи ноаниқ, аммо уни аниқлаш учун дастлабки маълумот мавжуд (тахминан 20%); жиноятчи ноаниқ ва уни аниқлаш учун маълумот етарли эмас (5–10%). Айнан иккинчи ва учинчи вазиятларда криминалистик тавсиф элементлари ўртасидаги корреляцион алоқалар амалий аҳамият касб этади — масалан, ҳодиса жойи ва вақтига оид маълумотлардан жиноятчининг типик хусусиятлари ҳақида ишчи фаразлар илгари суриш мумкин бўлади.

Бироқ криминалистик тавсиф муҳим назарий ва методологик пойдевор бўлгани ҳолда, унинг тергов амалиётида самарали қўлланилиши учун амалдаги қонунчиликнинг ўзи ҳам тизимли ва ички зиддиятларсиз бўлиши шарт. Афсуски, ҳозирги ҳолатда безорилик жиноятлари бўйича амалдаги қонунчилик ва тушунтирувчи қоидаларда қатор тизимли муаммолар мавжуд бўлиб, биз қуйида уларни таҳлил қиламиз ва бартараф этиш бўйича аниқ таклифларни илгари сураемиз.

II. Безорилик жиноятларига оид қонунчилик бўшлиқлари ва уларни бартараф этиш таклифлари

Қуйида биз ҳуқуқни қўллаш амалиётини, қиёсий-ҳуқуқий таҳлилни ва ИИВнинг 2024–2025 йиллардаги статистик маълумотларини умумлаштириш натижасида аниқланган бешта тизимли муаммони бирма-бир ёритиб, ҳар бирига оид аниқ қонунчилик таклифини таклиф қиламиз.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги “Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 9-сонли қарорининг 13-банди (2018 йил 19 майдаги 16-сонли Пленум қарори таҳририда) амалиётда жиддий квалификация муаммоларини юзага келтирмоқда⁷. Мазкур бандда икки жумла келтирилган бўлиб, ҳар бири квалификациянинг турли мезонларини белгилайди, аммо бир-бирига нисбатан аниқ устуворлик ўрнатилмаган.

Биринчи жумлага кўра, оилада, уйда (хонадонда) қариндош-уруғларга, танишларга қарши содир этилган ҳақорат, уриш-дўпполаш, баданга енгил шикаст етказиш каби ҳаракатлар — агар улар шахсий келишмовчилик натижасида келиб чиққан бўлса ёки жабрланувчининг ноҳўя хатти-ҳаракатлари оқибатида содир этилган бўлса — шахсга қарши жиноят деб баҳоланиши ва ЖК Махсус қисмининг тегишли моддалари билан квалификация қилиниши лозим. Иккинчи жумлага кўра эса, агар шахс ўз ҳаракатлари билан айна вақтда жамоат тартибини бузаётганини ва жамиятга нисбатан очиқдан-очиқ ҳурматсизлик қилаётганини ҳам яққол англаган бўлса, қилмиш безорилик сифатида квалификация қилинади.

Амалиётда тез-тез учрайдиган қуйидаги вазият икки жумла ўртасидаги зиддиятни очиқ намоён қилади: гумон қилинувчи жамоат жойида (кўча, ресторан, транспорт) қариндоши ёки танишига қарши уриш-дўпполаш ёки енгил тан жароҳати етказиш

⁶Драпкин Л.Я. Основы теории следственных ситуаций. — Свердловск: Изд-во Уральского ун-та, 1987. — С. 17.

⁷Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги “Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 9-сонли қарори (2018 йил 19 майдаги 16-сонли қарор таҳририда), 13-банд // URL: <https://lex.uz/mact/-1452654> (электрон манбага мурожаат қилинган сана: 15.04.2026 й.).

ҳаракатини содир этади. Бу ҳаракат шахсий келишмовчилик ёки жабрланувчининг ноҳўя хатти-ҳаракатлари оқибатида рўй беради (биринчи жумла мезони). Шу билан бирга, гумон қилинувчи ўз ҳаракатларини онгли равишда, жамоат жойида эканини билиб туриб содир этади (иккинчи жумла мезони). Бундай ҳолларда тергов амалиётида турли ёндашувлар қўлланади: айрим ходимлар биринчи жумлага асосланиб МЖТКнинг 52-моддаси бўйича маъмурий жавобгарлик белгилайди, бошқалари эса иккинчи жумлага асосланиб ЖКнинг 277-моддаси бўйича жиноят иши қўзғатади. Бу ҳол бир хил қилмишга нисбатан турли ҳуқуқий баҳо берилишига ва суд амалиётида ягона ёндашув шаклланишига тўсқинлик қилади.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, биз Пленум қарорининг 13-банди иккинчи жумласини иерархиянинг очиқ-ойдин аниқлашуви билан қуйидаги янги таҳрирда баён этилишини таклиф қиламиз:

“Агар шахс ўз хатти-ҳаракатлари билан айна вақтда жамоат тартибини бузаётганини ва жамиятга нисбатан очиқдан-очиқ ҳурматсизлик қилаётганини яққол англаган бўлса, қариндош-уруғларга, танишларга қарши содир этилган ҳақоратлаш, уриш-дўпполаш, баданга энгил шикаст етказиш каби ҳаракатлар — ҳатто улар шахсий келишмовчилик натижасида келиб чиққан бўлса ёки жабрланувчининг ноҳўя хатти-ҳаракатлари оқибатида содир этилган бўлса ҳам — безорилик сифатида баҳоланиши лозим. Бу ҳолда қилмиш ЖК 277-моддаси билан квалификация қилинади ва шахсга қарши жиноятларни назарда тутувчи моддалар билан қўшимча квалификацияни талаб этмайди”.

Бу таҳрирнинг афзалликлари очиқ кўринади. Биринчидан, иерархия аниқ белгиланади — жамоат тартибини онгли равишда бузиш факти асосий мезон сифатида устувор мавқега эга бўлади. Иккинчидан, шахсий келишмовчилик ёки жабрланувчининг хулқ-атвори квалификацияни энгиллатиш асоси сифатида автоматик тан олинмайди. Учинчидан, гумон қилинувчининг субъектив изоҳлари ёлғиз ҳал қилувчи далил мақомини йўқотади — тергов объектив ҳолатлар (жойнинг жамоат хусусияти, гувоҳлар мавжудлиги, оммавий реакция) асосида хулоса чиқаради.

Иккинчидан, ЖК 277-моддасининг 1-қисми ҳозирги таҳририда безориликнинг муқобил моддий аломатлари сифатида “уриш-дўпполаш, баданга энгил шикаст етказиш ёки ўзганинг мулкига анча миқдорда зарар етказиш” каби ҳаракатлар келтирилган⁸. Биз ушбу формуланинг амалиётда жиддий муаммоларни юзага келтиришига гувоҳ бўлдик. Пленум қарорининг 9-бандида уриш-дўпполаш “тан жароҳати қолдирмасдан бир неча зарба бериш” сифатида таърифланган. Демак, жабрланувчи танасида объектив излар қолмайди ва тергов амалиётида уриш-дўпполаш фактини исботлаш учун ҳеч қандай объектив суд-тиббий далил мавжуд бўлмайди.

Бу ҳол қуйидаги икки альтернатив далил манбаига боғлиқ бўлишни келтириб чиқаради. Биринчи альтернатив — видеокузатув ёзувлари, бироқ ҳодиса жойи марказий кўчалар, майдонлар ёки умумфойдаланиш транспорти худудидан узоқда бўлган ҳолларда камералар одатда қамраб олмайди. Иккинчи альтернатив — гувоҳлар

⁸Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, 277-модда 1-қисми // URL: <https://lex.uz/uz/docs/111453> (электрон манбага мурожаат қилинган сана: 15.04.2026 й.).

кўрсатувлари, бироқ улар шахсий манфаатга эга бўлиши, жиноятчига нисбатан кўрқув туфайли тўлиқ маълумот бермаслиги ёки кейинчалик суд босқичида кўрсатувдан қайтиши мумкин. Натижада уриш-дўпполаш фактини объектив исботлаш ҳақиқатда амалга оширилмайди ва ишлар оқлов ҳукми билан яқунланиш ҳолатлари ортиб боради.

Бундан ташқари, “уриш-дўпполаш” категорияси ЖК 277-моддасида сақланиб қолиши бошқа ҳуқуқий тизимлар билан мантиқий ноизчилликни келтириб чиқаради. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 325-моддаси “Жабрланувчининг шикоятига кўра қўзғатиладиган жиноят ишлари” доирасига ЖК 105-моддаси (қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш) киритилган, аммо “уриш-дўпполаш” аломати мустақил равишда бу рўйхатга кирмайди⁹. Бу ҳолатда ўзига хос ҳуқуқий парадокс юзага келади: ўртача оғир шикаст етказганлик учун жабрланувчининг шикояти талаб қилингани ҳолда, ҳеч қандай тан жароҳати қолдирмаган уриш-дўпполаш учун жабрланувчининг шикоятисиз жиноят иши қўзғатилиши мумкин.

Юқоридаги таҳлил асосида биз қуйидаги комплекс ечимни таклиф қиламиз: ЖК 277-моддаси 1-қисмидан “уриш-дўпполаш” тушунчаси чиқариб ташланади ва жиноят аломати сифатида фақат “камида баданга енгил тан жароҳати етказиш” ҳамда “ўзганинг мулкига анча миқдорда зарар етказиш” аломатлари сақланади. Бунинг билан бир вақтда МЖТКнинг 183-моддаси (майда безорилик) таркибига уриш-дўпполаш аломати киритилади. Натижада тан жароҳати қолдирмаган жисмоний таъсир ҳолатлари маъмурий жавобгарликка ўтказилади ва ЖПК 325-моддаси билан тизимли изчиллик таъминланади.

Учинчидан, ЖК 277-моддасида “жамоат жойи” квалификациян аломат сифатида қўлланилади — безорилик бу ёки шунга ўхшаш жойда содир этилганлиги квалификацияга таъсир кўрсатади. Бироқ ҳозирги қонунчилик ва Пленум қарорларида “жамоат жойи” тушунчасининг аниқ ва изчил таърифи мустаҳкамланмаган. Биз бу ҳол амалиётда турли квалификация ёндашувларига олиб келишини қайд этамиз.

Учта оддий мисол ушбу муаммони очиб беради. Биринчи мисол — стадион. Футбол ёки бошқа спорт мусобақаси бўлаётган пайтда стадион ҳақиқий жамоат жойи бўлиб, минглаб томошабинлар йиғилган муҳит мавжуд. Бундай ҳолатда содир этилган зўравонлик ҳаракатлари шак-шубҳасиз безорилик сифатида квалификация қилиниши керак. Бироқ ўша стадион бошқа пайтда — мусобақалар ўтказилмаётган ишсиз кунларда — бўш ва ёпиқ ҳолатда бўлади. Агар икки шахс мазкур стадион ҳудудига ҳеч ким йўқ вақтда кириб, жанг қилса, бу ҳаракат моҳиятан жамоат тартибига қарши эмас, шахслараро мужорога йўналтирилган ҳисобланади.

Иккинчи мисол — истироҳат боғлари. Айрим ҳудудларда истироҳат боғлари ишлаш муддати белгиланган (масалан, соат 23:00 гача). Ўша вақтдан кейин боғ ёритиш, хизмат кўрсатиш тўхтайтиди, фуқаролар чиқиб кетади. Шундай ҳолатда соат 23:00 дан кейин боғ ҳудудида икки шахс ўртасида жанг содир этилса, бу ҳаракатнинг жамоат хусусияти умуман мавжуд эмас. Учинчи мисол — карантин даври. 2020-

⁹Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси, 325-модда // URL: <https://lex.uz/docs/111460> (электрон манбага мурожаат қилинган сана: 15.04.2026 й.).

2021 йиллардаги COVID-19 пандемияси даврида кўчалар, майдонлар, парклар моҳиятан бўш қолган ва ўз жамоат функциясини бажармаётган эди. Шундай шароитда содир этилган жанжаллар типологик равишда безорилик эмас, шахслараро тортишувлар даражасида баҳоланиши керак эди.

Биз бу муаммонинг ечими сифатида “жамоат жойи” тушунчасига вақт-функционал таъриф киритилишини таклиф қиламиз. Пленум қарорига ёки ЖК 277-моддасига изоҳ сифатида қуйидаги таъриф мустаҳкамланиши мумкин:

“Мазкур модда мақсади нуқтаи назардан, жой қуйидаги шартларнинг барчаси бажарилган тақдирдагина жамоат жойи деб ҳисобланади: а) жой ўзининг белгиланган функционал вазифасини айна вақтда бажармоқда; б) жойга нисбатан фуқароларнинг кириши очиқ ёки амалий жиҳатдан мумкин; в) айна вақтда жойда ташқи шахсларнинг мавжудлиги ёки мавжуд бўлиш эҳтимоли реал ҳисобланади. Агар мазкур шартларнинг айримлари бажарилмаса (жой ўз функциясини бажармаётган, ёпиқ, фуқаролар амалда мавжуд бўлмаган вақт), содир этилган хатти-ҳаракат жамоат тартибига қарши эмас, шахсга қарши қилмиш сифатида квалификация қилинади”.

Бундай таърифнинг афзаллиги — жамоат тартиби ва шахслараро мужоролар ўртасидаги фарқни аниқ белгилайди, бу эса квалификация изчиллигини таъминлайди ва суд-тергов амалиётида мантиқий, ҳаётий ҳамда адолатли ёндашувни шакллантиради.

Тўртинчидан, замонавий Ўзбекистон жиноятчилиги таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, сўнгги йилларда анъанавий безориликнинг ўзгартирилган, тизимли шакли — оммавий тарзда “кўча безорилари” деб номланаётган феномен — кенг тарқалмоқда. Бу ҳолат статистик жиҳатдан ҳам тасдиқланади: жамоат жойларидаги безорилик жиноятларининг “бошқа кўчалар” тоифасидаги улуши 2024 йилдаги 43,1 фоиздан 2025 йилда 49,5 фоизгача ошган.

Биз кўча безорилари феноменини таҳлил қилиш натижасида унинг учта типик кўринишини ажратамиз. Биринчи кўриниш — ноқонуний қарз ундириш: жисмоний жиҳатдан кучли шахслар фуқароларнинг олаолмай юрган қарзларини ундиришни ваъда қилиб, қарз олувчига таҳдид қилиб, жисмоний зўравонлик билан қўрқитиб қарзни қайтаришга мажбурлайдилар. Иккинчи кўриниш — автотурарғоҳ ва такси хизматларида кучни намоён қилиш: жисмоний жиҳатдан кучли шахслар автотурарғоҳ ёки такси турарғоҳларида ўзларининг кучига суяниб, бошқа такси ҳайдовчиларини қўрқитиб, навбатсиз мижозларни олиб кетадилар ёки ўзлари сунъий навбат яратиб, назоратни қўлга олишади. Учинчи кўриниш — бозор, савдо маркази ва бошқа тижорат ҳудудларида информал назоратнинг ўрнатилиши: алоҳида шахслар ёки гуруҳлар муайян тижорат ҳудудида ўз назоратини информал равишда жорий қилиб, савдогарлардан мунтазам тўловларни талаб қиладилар.

Мазкур феноменнинг ҳуқуқий баҳоланишида қатор муаммолар мавжуд. Биринчидан, безорилар одатда жисмоний зўравонликни тўлиқ қўлламайдилар, балки таҳдид, қўрқитиш, куч намоёйиши орқали ҳаракат қиладилар; шу сабабли тан жароҳати ёки моддий зарар етказиш аломатлари кўпинча мавжуд эмас ва ЖК 277-моддасининг 1-қисми қўлланилмайди. Иккинчидан, “талончилик” (ЖК 166-модда) ёки “товламачилик” (ЖК 165-модда) моддалари қўлланилиши учун аниқ ижтимоий хавфли оқибат —

мулкни ўзлаштириш ёки талаб қилиш — исботланиши керак, бироқ “қарз ундириш” ҳолатларида жабрланувчининг ўзи “қарзини бергани” учун бу аломат очиқ кўринмайди. Учинчидан, таҳдид учун алоҳида норма (ЖК 112-моддаси) мавжуд бўлса-да, у безориликнинг тизимли, кўп эпизодли табиатини тўлиқ қамраб олмайди ва жазо даражаси ҳам қилмишнинг ижтимоий хавфлилигига мутаносиб эмас.

Биз мазкур ҳолатни Ўзбекистон жиноят қонунчилигида бўшлиқ мавжудлигидан далолат берадиган тизимли муаммо деб ҳисоблаймиз. Шу сабабли ЖК 277-моддасига янги (тўртинчи) қисм киритиш орқали мазкур феноменни ҳуқуқий тартибга солиш таклифини илгари сурамиз. Таклиф этилаётган қисм таҳрири қуйидагича бўлиши мумкин:

*“277-модданинг 4-қисми. Жисмоний кучни мунтазам равишда намоён қилиш йўли билан, жамиятда ўрнатилган қонун-қоидаларни яққол менсимасдан, жамоат жойларида (кўчада, бозор, автотураргоҳда ва бошқа ўхшаш жойларда) бошқа шахсларга нисбатан таҳдид, қўрқитиш ёхуд жисмоний босим кўрсатиш орқали ноқонуний манфаат олиш ёки норасмий назорат ўрнатиш мақсадида содир этилган хатти-ҳаракатлар — **беш йилдан саккиз йилгача** озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади”.*

Мазкур норма кўча безорилари феноменига аниқ ҳуқуқий жавоб беради, тергов ва квалификация масалаларини оддийлаштиради, жиноятчилар учун мутаносиб жавобгарликни белгилайди ҳамда жамиятда қонун устуворлиги тамойилини мустаҳкамлашда ва норасмий ҳокимият институтларининг шаклланишига йўл қўймасликда тизимли роль ўйнайди.

Бешинчидан, замонавий рақамли давр Ўзбекистонда жамоат тартибига қарши қаратилган жиноятларнинг янги шакли — “кибер безорилик” масаласини ўртага қўймоқда. Ижтимоий тармоқлар, мессенжерлар ва интернет платформалари орқали жамият тинчлиги ва тартибига нисбатан очиқ ҳурматсизлик намоёйиши, оммавий хавотир уйғотувчи мазмундаги материалларни тарқатиш, гуруҳий онлайн ҳақоратлаш каби ҳаракатлар тобора кенгроқ кўламда юзага келмоқда. Бироқ амалдаги жиноят қонунчилигимиз бу ҳаракатларга махсус ҳуқуқий жавоб бермайди — ҳозирда улар туҳмат (ЖК 139-моддаси), ҳақорат қилиш (ЖК 140-моддаси), ўлдириш ёки зўрлиш ишлатиш билан қўрқитиш (ЖК 112-моддаси) ёки маъмурий жавобгарлик нормалари билан қисман қамраб олинади.

Биз ушбу нормаларнинг кибер безориликнинг жамоат тартибига қарши қаратилган табиатини тўлиқ акс эттира олмаслигини қайд этамиз. Туҳмат ва ҳақорат қилиш — шахсга қарши жиноят, ЖК 277-модда эса жамоат тартибига қарши; икки тоифа ўртасидаги фарқ жиноятнинг объекти ва ижтимоий хавфлилиги даражасида ётади. Хорижий тажриба ҳам бу йўналишда дастлабки қадамлар қўйилаётганини кўрсатади. Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 213-моддаси безориликни хавф даражасига қараб бир неча таркибларга ажратган¹⁰; Германия Жиноят кодексининг 125, 125а ва 126а параграфлари жамоат тартибига қарши жиноятларнинг ҳозирги шакллари

¹⁰Уголовный кодекс Российской Федерации от 13 июня 1996 года № 63-ФЗ, статья 213 // URL: http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699/ (электрон манбага мурожаат қилинган сана: 15.04.2026 й.).

бевосита тартибга солади¹¹; шу жумладан 2017 йилда қабул қилинган Германия NetzDG (Network Enforcement Act) қонуни ижтимоий тармоқларда жамоат тартибини бузишга чақирувчи мазмундаги материаллар учун платформаларнинг масъулиятини мустаҳкамлади¹².

Биз ҳолатдан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон шароитида кибер безорилик масаласини ҳуқуқий мустаҳкамлашнинг икки муқобил вариантини таклиф қиламиз. Бу икки вариант афзаллиги ва камчилиги жиҳатидан фарқ қилади.

А варианты — ЖК Махсус қисмига янги 277¹-модда киритиш. Бу вариант кибер безориликнинг алоҳида норматив категория сифатида расман ажратилишини, унинг махсус хусусиятларини акс эттирадиган диспозиция ва санкция тизимини шакллантиришни назарда тутади. Таклиф этилаётган модда таҳрири:

“277¹-модда. Кибер безорилик. Информацион-телекоммуникация тармоқлари орқали (шу жумладан, интернет тармоғи, ижтимоий тармоқлар ва мессенжерлар орқали) жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасликда намоён бўлган, жамоат тартибини қўпол равишда бузувчи ва жамиятга нисбатан очиқ ҳурматсизлик кўрсатувчи хатти-ҳаракатлар содир этиш — энг кам иш ҳақининг юз баравардан икки юз баравригача миқдорда жарима ёки бир йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади. Шу ҳаракатлар: а) бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган бўлса; б) вояга етмаганларга, ногиронлиги бўлган шахсларга ёки ёши улуғларга нисбатан қаратилган бўлса; в) оммавий, кўп мартаба тарқатилган материаллар билан содир этилган бўлса — уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади”.

Б варианты — ЖК 277-моддасини тўлдириш. Бу вариант амалдаги ЖК 277-моддасига янги қисм (масалан, 5-қисм) ёки “безорилик, шу жумладан электрон тармоқлар орқали содир этилган” шакли киритиш орқали кибер аспектни қамраб олишни назарда тутади. Мазкур вариант тезроқ қабул қилиниши мумкин, бироқ у кибер безориликнинг махсус табиати ва анъанавий безориликдан фарқли хусусиятларини тўлиқ акс эттира олмайди.

Биз ҳар икки вариантнинг афзалликларини таҳлил қилиб, А вариантини босқичма-босқич жорий этиш стратегиясини маъқул деб ҳисоблаймиз: дастлаб Б вариантнинг жорий этилиши орқали қонунчилик бўшлиғи қисман тўлдирилиши мумкин, кейинчалик кенгайтирилган тажриба тўпланганидан сўнг А варианты тарзида алоҳида модда мустаҳкамланиши мақсадга мувофиқ. Бу ёндашув ҳам ҳуқуқий тизимнинг сабр-тоқатли ислоҳотига, ҳам кибер безориликнинг тез ўзгарувчи табиатига мослашувчанликка имкон яратади.

Хулоса

¹¹Strafgesetzbuch der Bundesrepublik Deutschland, §§ 125, 125a, 126a // URL: <https://www.gesetze-im-internet.de/stgb/> (электрон манбага мурожаат қилинган сана: 15.04.2026 й.).

¹²Netzwerkdurchsetzungsgesetz vom 1. September 2017 (NetzDG) // URL: <https://www.gesetze-im-internet.de/netzdg/> (электрон манбага мурожаат қилинган сана: 15.04.2026 й.).

Олиб борилган таҳлил безорилик жиноятларини тергов қилиш методикасини такомиллаштириш икки йўналишда — назарий ва қонунчилик йўналишларида — параллел олиб борилиши лозимлигини кўрсатди. Назарий йўналишда криминалистик тавсифнинг олти асосий элементи (содир этиш усули; ҳодиса жойи, вақти ва вазияти; излар тизими; жиноятчи шахси; жабрланувчи шахси; типик оқибатлар) ИИВнинг 2024–2025 йиллардаги статистик маълумотлари билан бойитилиб, ҳудудий ва шахс кесимидаги ўзига хосликни ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқилиши керак.

Қонунчилик йўналишида биз бешта тизимли муаммонинг ҳар бирига оид аниқ таклифни илгари сурдик: (1) Олий суд Пленумининг 9-сонли қарори 13-бандини иерархия аниқлашуви билан янги таҳрирда баён этиш; (2) ЖК 277-моддаси 1-қисмидан “уриш-дўпполаш” тушунчасини чиқариб, МЖТК 183-моддаси таркибига киритиш; (3) “жамоат жойи” тушунчасининг вақт-функционал таърифини мустаҳкамлаш; (4) кўча безорилари феноменига жавоб сифатида ЖК 277-моддасига 4-қисм киритиш; (5) кибер безорилик учун ЖК Махсус қисмига 277¹-модда киритиш.

Биз ишлаб чиққан таклифлар ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга бўлиб, тергов амалиётида квалификация изчиллигини таъминлаш, оқлов ҳукмлари улушини камайтириш, фуқароларнинг жамоат тартиби соҳасидаги ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш мақсадига хизмат қилади. Ўйлаймизки, мазкур таклифларимиз ва тавсияларимиз амалдаги ЖК ҳамда Олий суд Пленуми қарорлари нормаларининг янада такомиллаштирилишига, шу аснода суд-тергов органлари амалиётида безорилик жиноятларини самарали тергов қилишга хизмат қилади

INNOVATIVE
ACADEMY